
БАРАКАЛЛА, РИШТОНЛИК ФАХРИЙ ПОЛВОНЛАР

Шу йилнинг 2-3 июнь кунлари Ўзбекистон Туризм ва спорт вазирлиги томонидан вилоятимизнинг Фарғона туманидаги Водил қишлоғида фахрийлар ўртасида белбоғли кураш бўйича анъанавий Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Йигирма бир йилдан буён мунтазам давом этиб келаётган ушбу чемпионатда Республиканинг барча вилоятларидан 14 та жамоа аъзолари иштирок этди.

Мазкур чемпионатда туманимиздан ҳам фахрий полвонлар ёши ва вазн тоифасига кўра қатнашиб, ўзларининг эпчил, чаққон ва кучли эканликларини амалда исботладилар. Жумладан, вилоят “Белбоғли кураш” федерацияси бош мураббийи, Халқаро тоифадаги ҳакам Абдуллажон Мамаюсупов фахрли 1-ўринни эгаллади.

Кураги ерга тегмаган тажрибали спортчиларимиз - 31- ва 19- умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия фани ўқитувчилари Биродар Маҳмудов, Бахтиёр Тоштемиров, шунингдек Улуғбек Маматовлар Наманган, Андижон, Навоий вилоятлари полвонлари билан бўлиб ўтган мурасиз беллашувда ёши ва вазн тоифасига кўра ғолибликни қўлга киритишиб, фахрли 2-ўрин соҳибига айланишди.

Ғолибларга вазирлик томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ.

2021-06-13 17:17:18